

## Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчилари институтимизда

Бугун Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига Ўзбекистон Республикасидаги барча Олий таълим муассасаларидағи йўлни Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчилари ташриф буюрди. Хабарингиз бор ноябр ойи бошида Тошкент шаҳарида жойлашган барча Олий таълим муассасаларидағи етакчилар ташриф буюрганди. 22-ноябр куни Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган ва ҳозирги кунда кўплаб ёшларни қамраб олаётган "StudFest" лойиҳасини очилиш маросимида "Murad Buildings" асосчиси Мурод Назаров, Тошкент шаҳар кенгаши раиси Дурдона Рахимова, Марказий кенгаши раиси биринчи ўринбосари Акмал Жумабоев билан бир қаторда институтимиз Ёшлар етакчиси Акмал Бердимуродов ҳам иштирок этди.



Бу ҳам албатта нуфузли институтимизни Олий таълим муассасалари ўртасида тутган ўрнини нақадар юқори эканидан далолат беради. Бугунги учрашув ҳам етакчилар форуми доирасида ташкил этилди. Фурсатдан фойдаланган ҳолда бизни институтимизга ташриф буюришди. Ташриф давомида Институт Ёшлар етакчиси хонаси, "Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш" факултети Ёшлар кенгаши хонаси, Институт маънавият бўлимига ҳамда Конференциялар залини кўздан кечиришди. Институт ёшлар етакчиси хонасини кўздан кечириш давомида бошланғич ташкилоти ҳужжатлари, фаол талабалар томонидан эришилган ютуқлар-у совғалар билан танишишди, хонадаги ёшларга яратиб берилган шароитлардан ҳақиқатдан ҳам лол қолиши десак, муболаға бўлмайди. Ташриф давомида маънавият бўлимида ҳам бўлиб жараён билан танишишди. Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Р.Чориев етакчиларга ўз маслаҳатлари ҳамда тавсияларини бериб уларни ишларига ривож тилади. Навбат "Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш" факултети Ёшлар кенгаши хонасига етиб келди бу ерда меҳмонларни фаол талабалар хуш кайфият билан кутиб олиши ҳамда ҳозирда фаоллар томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан сухбат қуришди.



Акмал Бердимуродов ҳамда факултет ёшлар етакчиси Ҳайтбой Исқандаров яқин кунларда амалга оширилиши кутилаётган чора-тадбирлар ҳамда лойиҳалар юзасидан маълумотлар бериб ўтди. Ундан кейин барча меҳмонлар Конференциялар залига тўпланиб Ёшлар Иттифоқи тизимидағи муаммолар, имтиёзлар юзасидан фикр алмашди. Ёшлар етакчиларига тажрибали етакчи Алимов Учқун ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Кун охирида барча Олий таълим муассасаларидағи ташриф буюрган етакчилар ташкил этилган учрашувдан маъмнун ҳолда институтимизнинг ҳозирги ҳолатидан беқиёс таассуротлар билан қайтишди.



**Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов**